

ШАХСНИНГ АЙБЛИЛИК МАСАЛАСИНИ ҲАЛ ҚИЛМАСДАН ЖИНОЯТ ИШИНИ ТУГАТИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Бош прокуратура хузуридаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
магистранти, Бухоро вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Тангриев Жасур Олимович

Аннотация:

Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилик тизимида айб依лик масаласини ҳал қилмасдан жиноят ишини тугатиш учун белгиланган асослар атрофлича ўрганилган. Шу билан бирга, ушбу нормалар айрим хорижий давлатларнинг жиноят-процессуал қонунчилиги билан қиёсий таҳлил қилинган ҳолда, мавжуд ўхшашликлар ва фарқлар аниқланган. Шунингдек, амалдаги жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланган мазкур нормаларнинг камчиликлари таҳлил қилиниб, улар бўйича таклиф ва ечимлар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди.

Калит сўзлар: Айб依лик масаласи, суд-тергов амалиёти, тергов ва суриштирув масалалари, жиноят иши, реабилитация, ҳуқуқий тизим.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПОРЯДКА ПРЕКРАЩЕНИЯ УГОЛОВНОГО ДЕЛА БЕЗ РЕШЕНИЯ ВОПРОСА О ВИНЕ ЛИЦА

Тангриев Джасур Олимович, аспирант Академии
правоохранительных органов при Генеральной прокуратуре, руководитель
Бухарской областной прокуратуры

Абстрактный: В данной статье подробно рассматриваются основания, установленные в уголовно-процессуальной правовой системе Республики Узбекистан для прекращения уголовного дела без решения вопроса о виновности. При этом данные нормы сопоставлены с уголовно-

процессуальным законодательством некоторых зарубежных стран, выявлены имеющиеся сходства и различия. Также были проанализированы недостатки этих норм, определенные в действующем уголовно-процессуальном законодательстве, и особое внимание уделено выработке предложений и решений по ним.

Ключевые слова: Вопрос о вине, судебно-медицинская практика, вопросы следствия и дознания, уголовное дело, реабилитация, правовая система.

IMPROVEMENT OF THE PROCEDURE FOR TERMINATION OF CRIMINAL CASES WITHOUT RESOLVING THE ISSUE OF A PERSON'S GUILT

Tangriev Jasur Olimovich, postgraduate student of the Academy of Law Enforcement Agencies under the Prosecutor General's Office, head of the Bukhara Regional Prosecutor's Office

E-mail: tangriyevjasur03@gmail.com

Abstract: This article examines in detail the grounds established in the criminal procedure legal system of the Republic of Uzbekistan for terminating a criminal case without resolving the issue of guilt. At the same time, these norms are compared with the criminal procedure legislation of some foreign countries, existing similarities and differences are identified. Also, the shortcomings of these norms defined in the current criminal procedure legislation were analyzed, and special attention was paid to the development of proposals and solutions on them.

Keywords: The issue of guilt, forensic practice, issues of investigation and inquiry, criminal case, rehabilitation, legal system.

Кириш:

Жиноят ва жиноят иши деб номланган икки тушунчани нима эканлиги билиб оладиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 14-моддасида жиноят тушунчасига таъриф бериб ўтилган, унга кўра, Жиноят

кодекси билан тақиқланган айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади деб мустаҳкамлаб қўйилган. Мазкур нормадан тушунишимиз мумкинки жиноят ижтимоий хавфли қилмиш ҳисбланади.

Ўзбекистоннинг амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигида «жиноят иши» тушунчасига аниқ таъриф келтирилмаган. Бироқ, олим М.А. Лавновнинг таъкидлашича, «жиноят иши шахснинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги натижасида яқка шахсга, бир нечта шахсга ёки бутун жамиятга ижтимоий хавф туғдирувчи ва қонунга зид бўлган қилмиш сифатида тушунилади¹».

Фикримизча «жиноят» моддий ҳуқуқ соҳасида қўлланиладиган тушунча, «жиноят иши» бўлса, бевосита жиноят-процессуалда фойдаланилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 83 ҳамда 84-моддаларида назарда тутилган реабилитация ҳамда айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш учун асосларга тўхталишдан олдин мазкур тушунчаларнинг луғавий маъносига, уларнинг келиб чиқиши ҳақида фикр билдирсак мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

«Реабилитация» тушунчаси лотинча со‘здан олинган бо‘либ, бунда ҳуқуқларни тиклаш, ё‘қолган яхши номни тиклаш, айбсиз шахсни ёки «жиноят таркиби ё‘қлиги» сабабли бир гуруҳ шахсларни асоссиз айблашни бекор қилиш маъноларини англатади².

Муҳокама ва натижалар:

Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддасида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчини реабилитация қилиш учун асослар назарда тутилган бўлиб, унга кўра:

¹ Лавнов М.А. Институт прекращения уголовного дела в системе уголовно-процессуального права и правоприменительной практики: дис. ... канд. юрид. наук. Саратов, 2015.

² Стадия возбуждения уголовного дела: современное состояние и перспективы совершенствования. 2016 / Гаврилов Б. Я. · Стадия возбуждения уголовного дела - "Атавизм"

- иш қўзғатилган ва тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамаси ўтказилган иш бўйича жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса;

- унинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаса;

- унинг содир этилган жиноятга дахли бўлмаса.

Жиноят-процессуал ҳуқуқда шахснинг айблилик масаласини ҳал қилмасдан жиноят ишини тугатиш тартиби мураккаб ва масъулиятли институтлардан бири ҳисобланади. Ушбу институт шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, адолат тамойилларини таъминлаш ҳамда жиноят процессининг самарадорлигини ошириш мақсадида қўлланилади. Бироқ, бу процессни қонунийлик, адолат ва шаффофликка риоя этган ҳолда амалга оширишни таъминлашда айрим камчиликлар ва мураккабликлар мавжуд.

Шунингдек, Жиноят-процессуал ҳуқуқ соҳасида фаолият юритган олимлардан бири О.В. Волынкаянинг фикрига кўра, «ушбу процессуал институтнинг моҳиятини тадқиқ қилиш ва жиноят-процессуал жараён илм-фанида унинг асосий мазмунини аниқлашда турли ёндашувлар мавжудлиги бу масаланинг мураккаблигини яққол намоён қилади³» деган фикрлари асосида ҳам ушбу институтнинг мураккаблигига гувоҳ боълишимиз мумкин.

Бундан ташқари, айблилик тўғрисидаги масаласини ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатишга нисбат миллий олимимиз Ш.Г. Нийзованинг билдирган фикрига кўра, «жиноятга жавобгарликка тортиш ва жазони ижро этиш муддатларини белгилаш, инсон ҳуқуқларини бузилишининг олдини олишга хизмат қилади, чунки бу усул одамларни доимий жиноят жавобгарлигидан қўрқиб яшашмасликка ундайди⁴».

³ Волынкая О.В. Прекращение уголовного дела и уголовного преследования: теоретические и организационно-правовые проблемы: дис... докт... юрид. наук. М., 2018; она же. Прекращение уголовного дела и уголовного преследования: теоретические и организационно-правовые проблемы: монография. М., Юнити-Дана, Закон и право, 2017.

⁴ Муродов Бахтиер Баходирович. Основания прекращения уголовного дела в связи с истечением срока давности привлечения к ответственности (опыт Узбекистана) // Вестник экономической безопасности. 2016. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/osnovaniya-prekrascheniya-ugolovno-go-dela-v-svyazi-s-istecheniem-sroka-davnosti-privlecheniya-k->

Жиноят ишени айблилик масаласини ҳал қилмай туриб тугатиш тартибига тоъхталиб оътадиган боълсак, Оъзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 84-моддасида жиноят ишени айблилик масаласини ҳал қилмай туриб тугатиш асослари мустаҳкамлаб қоъйилган унга қоъра,

1. Жавобгарликка тортиш муддати тугаган бўлса.
2. Эълон қилинган амнистия акти содир этилган жиноятга ёки шахсга нисбатан тадбиқ этилса.
3. Айбланувчи ёки судланувчи вафот этган тақдирда.
4. Шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича суднинг қонуний қучга кирган ҳукми мавжуд бўлса.

5. Шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича суднинг қонуний қучга кирган ажрими (қарори) ёки ваколатли мансабдор шахснинг жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёхуд ишени тугатиш ҳақидаги бекор қилинмаган қарори мавжуд бўлса.

6. Иш фақат жабрланувчининг шикояти асосида қўзғатиладиган бўлса ва унинг шикояти мавжуд бўлмаса (Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 325-моддасида назарда тутилган ҳоллардан ташқари).

7. Шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир этган пайтда жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган бўлса.

8. Жиноят кодексининг Махсус қисмининг тегишли моддасида шахснинг:

- Ўз қилмишига амалда пушаймон бўлгани туфайли;
- Етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланганлиги ёки жиноят оқибатлари бартараф этилганлиги сабабли жавобгарликдан озод этилиши назарда тутилган бўлса.

Мазкур норма жиноят-процессуал қонунчиликда шахснинг айблилик масаласини ҳал қилмасдан жиноят ишени тугатиш учун ҳуқуқий асосларни

[otvetstvennosti-opyt-uzbekistana](#) (дата обращения: 22.11.2024).

белгилайди. Улар давлатнинг жазолаш ваколатини инсон ҳуқуқларига риоя қилиш билан мувозанатлашга қаратилган. Бунда муддатларнинг ўтиб кетиши, амнистия, жабрланувчининг шикоятини йўқлиги ёки шахснинг ижтимоий ҳавфини йўқлиги каби омиллар инобатга олинади.

Шунингдек, шахснинг ўз қилмишига пушаймон бўлиши ва зарар оқибатларини бартараф этиши жазодан озод этиш учун асос сифатида қабул қилиниши, қонунчиликда инсонпарварлик тамойилининг устуворлигини кўрсатади. Ушбу меъёрлар нафақат адолатни таъминлаш, балки тергов ва суд органларининг ортиқча иш юкини камайтиришга ҳам хизмат қилади. Бироқ, улар нотўғри қўлланилса, жабрланувчи ҳуқуқлари ёки адолат принциплари бузилиши эҳтимоли мавжуд.

Таъкидлаш лозимки, ушбу модда биринчи қисмининг 1, 2, 3 ва 8-бандларида назарда тутилган ҳолларда, агар айбланувчи, судланувчи ёки вафот этган айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари талаб қилса, ишни юритиш умумий тартибда давом эттирилиши мумкин. Бундай ҳолларда ҳукм қилиш учун асослар мавжуд бўлса, айблов ҳукми жазо тайинланмасдан чиқарилади.

Мақоламизни айрим хорижий давлатларни жиноят-процессуал ҳуқуқ тизимида жиноят ишини айблилик масаласини ҳал қилмай туриб тугатиш институтини қандай тартибга солинганлигини таҳлил қилиш билан давом этирадиган бўлсак.

Жумладан, Грузия жиноят-процессуал қонунчилигида ҳам жиноят ишини тугатиш асослари тўлиқ равишда ягона моддада келтирилган. Унга кўра, жиноят қонунида назарда тутилган жиноий ҳаракат бўлмаса, агар ҳаракат ноқонуний бўлмаса, агар янги қонун жиноятни бекор қилса, прокуратура Конституцияга зид бўлган қонунни тан олган тақдирда, жиноий қидирув қилиш муддати тугаган тақдирда, амнистия акти чиқарилган тақдирда, шахсни жиноий жавобгарликдан ва содир этилган ҳаракат учун

жазодан озод қилинган тақдирда, худди шу айблов бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳукми мавжуд бўлса жиноят иши тугатилиши зарур⁵.

Бундан ташқари Қозоғистон Жиноят-процессуал қонунчилигида айблилик масаласини ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш қуйдагича белгиланган,

Жиноят содир этилмаганлиги, жиноят ҳодисасининг йўқлиги, амнистия акти туфайли, агар у содир этилган ҳаракатлар учун жазо қўлланилишини бартараф этса, жиноий жавобгарликка тортишни чеклаш муддати тугаганлиги учун, жабрланувчининг шикояти йўқлиги учун, агар содир этилган хатти-ҳаракатлар учун жиноий жавобгарликни бекор қиладиган қонун кучга кирса ёки Қозоғистон Республикасининг конституциявий Кенгаши томонидан ушбу жиноят иши бўйича қўлланилиши керак бўлган Конституцияга хилоф қонун ёки бошқа нормативҳуқуқий ҳужжат деб тан олинган бўлса, агар шахсга нисбатан худди шу айблов бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳукми ёки жиноий таъқибнинг мумкин эмаслигини аниқлаган бошқа бекор қилинмаган суд қарори мавжуд бўлса жиноят иши тугатилади⁶.

Жиноят-процессуал соҳадаги қонунчиликни такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 14-майдаги ПҚ–3723-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепсияси қабул қилинди.

Шунга асосан, жиноят жараёнида жиноят ишини тугатиш ҳамда унда исбот қилишни амалга ошириш масаласини чуқур тадқиқ этиш ва жиноят ишини тугатиш асосларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мазкур институтни такомиллаштириш асосларини яратиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Бу нафақат жиноят процессининг самарадорлигини ошириш, балки унга оид қонунчиликни такомиллаштиришга ҳам хизмат қилади.

⁵ Грузия, Уголовно-процессуальный кодекс, <https://matsne.gov.ge/ru/document/view/90034?publication=163>

⁶ Казахстан Республика, Уголовно-процессуальный кодекс, <https://adilet.zan.kz/rus/docs/K1400000231>

Бизга маълумки, жиноят жараёнида жиноят ишини тугатиш — суриштирув ва дастлабки терговни тамомлашнинг бир шакли бўлиб, бу жараёнда масъулиятни қайд этиш, жиноят ишига оид ҳуқуқий жараёнларнинг тўғри ва аниқ амалга оширилиши зарур. Жиноят ишини тугатиш жараёни ҳар бир ҳолатда эҳтиёткорлик билан кўриб чиқилиши керак, чунки бу суд тизими ва унинг адолатли ишлашига бевосита таъсир қилади.

Бунда, жиноят ишини тугатиш ваколатига эга бўлган органлар ва мансабдор шахслар, ўз фаолиятида жиноят ишини тугатишнинг қонуний асосларини текшириш ва аниқ исбот қилишни амалга оширадilar. Бу жараёни бажаришда асосий эътибор далилларни тўплаш, уларни текшириш ва таҳлил қилишга қаратилади. Ҳар бир далилнинг ишончлилиги, тўпланган маълумотларнинг аниқлиги, шунингдек, процессуал қонунларга тўлиқ мувофиқлиги асосида ишни тугатиш қарори қабул қилинади.

Бугунги кунда, олимлар ва ҳуқуқшунослар жиноят ишини тугатиш ҳамда унда исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатлар ҳақида турли хил фикрларни илгари суриб, бу жараённинг янада самарали ва адолатли бўлиши учун керакли тавсияларни беришмоқда. Масалан, баъзи олимлар, жиноят ишини тугатиш жараёнида ижтимоий хавфли ҳолларни, шунингдек жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш зарурлигини таъкидлашмоқда. Жумладан, У.Тухташевнинг назарида, қилмишда жиноят-процессуал муносабатлар мавжуд бўлишини инкор қиладиган ҳуқуқий фактларнинг мавжудлиги жиноят ишини тугатишни тақозо этади, чунки бундай ҳолатлар суднинг тўғри қарор қабул қилишига халақит беради ва жараёни нотўғри йўналишга олиб келиши мумкин⁷.

Шу ўринда, жиноят жараёнидаги барча томонларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш учун, жиноят ишларини тугатишнинг барча асосларини аниқлаш ва улар устидан қатъий назоратни амалга ошириш жуда муҳим. Бундай ёндашув, ўз навбатида, суд тизимининг адолатли ва ошкора ишлашини таъминлашга хизмат қилади.

⁷ Уголовный процесс: Общая часть. Учебное пособие в 2-х частях. Часть II / Автор-составитель У.А. Тухташева. – Т., 2007. – 281 с.

Шунингдек, айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмасдан туриб жиноят ишини тугатиш институти жиноят жараёнининг муҳим жиҳати бўлишига қарамасдан, суд-тергов амалиётида уни қўллаш билан боғлиқ айрим муаммолар ҳам мавжуд. Қуйида ушбу институт билан боғлиқ бўлган муаммоларни таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига кўра, айбланувчи ёки судланувчининг вафот этганлиги сабабли айблилик масаласини ҳал қилмасдан туриб жиноят ишини тугатиш асоси белгиланган. Бироқ, суд-тергов амалиётида гумон қилинувчининг вафот этганлиги ҳолатлари ҳам учраб туради. Амалдаги Жиноят-процессуал кодексда суриштирув, дастлабки тергов ёки суд жараёнида гумон қилинувчи вафот этган тақдирда жиноят ишини ҳал қилиш тартиби аниқ мустаҳкамланмаган.

Ҳозирги кунда гумон қилинувчи вафот этган ҳолларда ваколатли органлар томонидан дастлаб унга сиртдан айблов эълон қилиниб, сўнг жиноят иши айбланувчининг вафот этганлиги сабабли айблилик масаласини ҳал қилмасдан туриб тугатилмоқда. Шу билан бирга, агар жиноят иши кўзгатилмаган бўлса, шахсга айбланувчи мақомини бериш ҳуқуқий асосга эга эмас. Бу ҳолат Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддасида белгиланган қоидаларга зид ҳисобланади.

Амалиётда гумон қилинувчи мақомидаги шахснинг тергов, суриштирув ёки суд жараёнида вафот этган ҳолатлари учраб туриши сабабли ушбу масалага норматив-ҳуқуқий ечим бериш муҳим аҳамият касб этади.

Хусусан, гумон қилинувчининг вафот этганлиги ҳолатини ҳам айблилик масаласини кўриб чиқмасдан туриб жиноят ишини тугатиш асослари сифатида тан олиш керак деган ечим берилмоқда. Бу ечим фақатгина мавжуд қонунчиликнинг аниқлик ва изчиллигини оширишга эмас, балки ҳуқуқий амалиётни тартибга солишга, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Шу билан бирга, бундай ёндашув жиноят-процессуал нормалар қўлланилишида ягона

стандартларни шакллантиришга ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида юзага келадиган зиддиятларни бартараф этишга хизмат қилади.

Хулоса:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 83 ва 84-моддаларида шахснинг айб依лик масаласини ҳал қилмасдан жиноят ишини тугатиш асослари аниқ белгиланган. Ушбу норматив-ҳуқуқий асослар жиноят жараёнини адолатли ва инсонпарвар тамойилларга мувофиқ ташкил этишга қаратилган. Жиноят-процессуал ҳуқуқда айб依лик масаласини ҳал қилмасдан жиноят ишини тугатиш муҳим процессуал институт ҳисобланади, чунки у давлатнинг жазолаш ваколатларини чеклаб, шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Жиноят иши тугатилганда жиноят процессининг барча томонларининг ҳуқуқлари ва манфаатларини мувозанатлашган тарзда ҳимоя қилиш зарур. Бу ҳуқуқий ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлашда муҳим омил бўлади. Жиноят-процессуал тизимнинг такомиллаштирилиши, шахсларнинг айб依лик масаласини ҳал қилмасдан жиноят ишини тугатиш тартибининг самарали қўлланилиши ва уларнинг ҳуқуқий ҳимояси жамиятда жиноятга қарши курашиш жараёнининг барқарорлигини ва адолатли эканлигини таъминлайди.

Юқоридаги барча омилларни ҳисобга олиб, айб依лик масаласини ҳал қилмасдан жиноят ишини тугатиш тартибини такомиллаштириш Ўзбекистондаги жиноят-процессуал тизимни янада самарали ва ҳуқуқий ислоҳотларга мослаштиришга ёрдам беради. Бу нафақат жиноят процессининг самарадорлигини ошириш, балки шахснинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, жамиятдаги ҳуқуқий онгни ривожлантиришга ҳам хизмат қилади. Шу билан бирга, қонунчиликни такомиллаштириш ва амалиётдаги камчиликларни бартараф этиш орқали барча томонларнинг ҳуқуқларини таъминлаш учун қўшимча механизмлар ишлаб чиқиш зарурати мавжуд.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Лавнов М.А. Институт прекращения уголовного дела в системе уголовно-процессуального права и правоприменительной практики: дис. ... канд. юрид. наук. Саратов, 2015.

2.Стадия возбуждения уголовного дела: современное состояние и перспективы совершенствования. 2016 / Гаврилов Б. Я. · Стадия возбуждения уголовного дела - "Атавизм"

3.Вольнская О.В. Прекращение уголовного дела и уголовного преследования: теоретические и организационно-правовые проблемы: дис... докт... юрид. наук. М., 2018; она же. Прекращение уголовного дела и уголовного преследования: теоретические и организационно-правовые проблемы: монография. М., Юнити-Дана, Закон и право, 2017.

4.Муродов Бахтиер Баходирович. Основания прекращения уголовного дела в связи с истечением срока давности привлечения к ответственности (опыт Узбекистана) // Вестник экономической безопасности. 2016. №1. УРЛ: <https://сйберленинка.ру/артисле/н/основания-прекрасчения-уголовного-дела-в-связи-с-истечением-срока-давности-привлечения-к-ответственности-опйт-узбекистана>

5.Грузия, Уголовно-процессуальный кодекс, <https://матсне.гов.ге/ру/документ/виенw/90034?публисатион=163>

6.Казахстан Республика, Уголовно-процессуальный кодекс, <https://адилет.зан.кз/рус/досс/К1400000231>

7.Уголовный процесс: Общая часть. Учебное пособие в 2-х частях. Часть III / Автор-составитель У.А. Тухташева. – Т., 2007. – 281 с.